

Киш окшомларидан бири эди. Кишлок магозаси мудири дўконини бекитмокчи бўлди. Деразаларни ёпаётуб ичкарида юрган одамга кўзи тушди. У шкафдан бир фунтча сариёг олдида, шляпасига солди. «Бир боплайки, ўгирилик килганига пушаймон бўлсин», дея ахд килди мудир.

— Ха, Сет?— деди у эшикни очиб.

Сет эшик туткичини ушлаб, ташкарига чикишга шайланиб турарди.

— Кани, мундок ўтири-чи, борасан-да уйингга. Шундай совукда иссик хонага не етсин.

Сет нима килишини билмай колди. Жуфтакни ростламокчи бўлганди, мудир елкасидан тутиб, печка ёнига — ёг солинган бўчкалар орасига ўткизив кўйди.

— Хў-ўш, энди дўконни озгина иситамиз,— деди у ва печканинг эшикчасини очиб, тараша калади.— Яхшилаб исиниб олмасанг, совкотиб коласан.

Сет ногоҳ ёгнинг эриётганини сезиб, ўрнидан иргиб турди.

— Хали исиганинг йўқ, Сет,— деди мудир бепарво.— Ўтири, гурунг киламиз.

— Вух, жуда исиб кетдим...

— Ўтири бундай, шошилиб каёкка борасан.

— Молларга карашим... Ем солишим керак, ахир!..

— Шошма, Сет, молларга бошкалар карап. Бечора Сет! У нима килишини билмасди.

Сариёг

эриб, кўз ва юзларига окиб туша бошлади. Мудир эса хеч нарса кўрмагандек гап сотар, печкага тараша тикарди.

— Ажойиб окшом бўлди-да!..— деди у.— Сет, нега шляпангни ечмайсан? Исиб кетибсан-ку. Ке, шляпангни илиб кўяй.

— Йў-ўк!— дея кичкириб юборди Сет.— Йўк! Мен кетишим керак! Мени чикариб юборинг. Мазам кочяп-ти... Кетай, ахир!..

Ёг боёкишнинг бўйнига етиб келган, хатто туфлиси ичига сизиб тушмоқда эди. У бамисоли ёг тўлгизилган тогорада чўмиларди.

— Нима дердим,— деди мудир истехзоли жилма-ийиб,— кетмокчи бўлсанг, майли, рухсат.

Сет ўрнидан тургач, кўшимча килди:

— Сет, хафа бўлма, озгина эрмак килдим-вактичоглик учун. Шу боис сендан ёг пули олмайман. Хайр. Кеп-тур.

Хато ўхшатиш

Дўстим иккимиз Нуй-Йорк якинидаги Саломанка бекатига сал кечикиб етиб келдик.

Бекат сахнида йўлов-чилар гуж-гуж, одамга лик тўла поездга чикиб олиш учун елиб-югуришарди.

«Мендек машхур ёзувчини хам шундай кисишиадими одамлар», дея ўйлаб, кассага зўрга якинлашдим. Чип-тафуруш йигитдан хос вагонга иккита чипта сўрадим. У: «Чипта йўк», деб, туйнукни карсиллатиб ёпди. Кўярмидим, бекат бошлигини топиб, ундан хос вагондан жой олиб беришни илтимос килдим.

— Жой йўк! Мени безовта килманг!—У оркасига ўгирилди. Бу килиги каминага оғир ботди.

— Мен билан бу охангда гаплашишларига сабаб шуки,— дедим дўстимга ўзимни окламокчи бўлиб,— улар мени танишмаяпти. Танимасни эса сийламас дейдилар. Агар Марк Твенлигимни билишганида...

— Тушингни сувга айт,— деди дўстим гапимни бўлиб.— Ўйлайсанки, агар улар

кимлигингни билишса, поезддан сенга йўқ жойни топиб беришади.

Дўстимнинг сўзлари ўлганнинг устига тепган бўлди. Яна ўша бошлиқ хузурига кирдим ва ўзимни таништиридим:

— Мен — Марк Твен...

— Сизга айтдим-ку,— дея гапимни бўлди у,— бошка безовта килманг!

Бошлиқ яна оркасига ўтирилди. Нажот кутиб атрофга карадим ва бир хаммол мени кузатиб турганини сездим. У вагон огасининг кулогига нимадир деб шивирларди. Вагон огаси ховликиб менга якинлашди.

— Яхшимисиз? — деди у такаллуф билан.

— Поездга чикмокчимисиз?

— Ха,— дедим хурсанд бўлиб.— Лекин жой масаласи...

— Э, у масала хам, ўзиям зўридан. Том, буёкка кел,— дея хаммолни чакирди у.

— Бу кишининг жомадонларини бизнинг вагонга олиб бор. Кани, кетдик.

Том бизни хос бўлмага жойлаштириб, деди:

— Агар хизмат бўлса, bemalol.

— Xў-ўш, чирок хира экан, шуни бошкасига алмаштиранг,— дедим.

— Бир оғиз сўзингиз,— деди хаммол таъзим билан. Хаммол чикиб кетгач, мен хамроҳимга гўдайдим:

— Xўш, дўстим, энди нима дейсан? Менинг Марк Твенлигимни билгач, уларнинг муомаласи ўзгардими, а? Марк Твеннинг обрўйини кўриб кўй!

Шундай дейишим билан бўлма эшиги олдида хаммол пайдо бўлди.

— Биласизми,— деди у ялтолклиниб,— кўчадаёк кў-зимга иссик кўрингандингиз, жаноб Маккеллан.

— Хм...— дедим ерга караб.

Хаммол каминанинг кўлидан тангани олди-да, кўздан гойиб бўлди.

— У сени Нью-Йорк хокими жаноб Маккеллан деб ўйлади, шекилли,— деди дўстим котиб-котиб кулар-кан.— «Кўчадаёк кўзимга иссик кўрингандингиз, жаноб Маккеллан». Хо-хо-хо!..

## Ўрок Равшанов таржимаси